

Махмудова Юлдуз Аскар қизи. ВОСТОЧНЫЕ МОТИВЫ В ПОЭЗИИ С.ЕСЕНИНА.....	470 Ишанкулова Диёра
Алловидиновна. ПОИСКИ ПОДЛИННОГО ХАЙЯМА.....	474 Нуридинова М. Ж. ЖАНРОВО-СТИЛЕВАЯ АМБИВАЛЕНТНОСТЬ РОМАНА А. БИТОВА «ПУШКИНСКИЙ ДОМ».....
Рамазанова Нозима. ОБРАЗ «МАЛЕНЬКОГО ЧЕЛОВЕКА» В РУССКОЙ ЖЕНСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ (НА ПРИМЕРЕ ТВОРЧЕСТВА Н.ТЕФФИ, Л.ПЕТРУШЕВСКОЙ, Т.ТОЛСТОЙ)	481
.....	484 Исматов Ф.Ф.ПРОТИВОПОСТАВЛЕНИЕ ВРЕМЕННОГО И ВЕЧНОГО В СОВРЕМЕННОЙ ПРОЗЕ.....
Каландарова Фарангиз Касимовна. СВОЕОБРАЗИЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МЕТАФОР В РОМАНЕ М.БУЛГАКОВА «МАСТЕР И МАРГАРИТА».....	494 Djalilova Z. FLOWERS SYMBOLIZING HUMAN FEATURES IN ENGLISH ROMANTIC POETRY.....
.....	497 Samandarova Sojida Furqat qizi. IDEOLOGY IN GEORGE ORWELL’S POLITICAL NOVEL “NINETEEN EIGHTY FOUR”
Abdullayeva G.G. TARJIMASHUNOSLIKDA SINXRON TARJIMANING TUTGAN O’RNI	500
.....	504 Islomova Gulnoza Xotam qizi. BILDUNGSROMAN AS A LITERARY GENRE
.....	506 Qurbonova Oltinoy Bekmurotovna. IBRONIM G’AFUROVNING SO’Z QO’LLASH MAHORATI
.....	510 Мухаммедова Нилуфар Элибоевна.МИЛЛИЙ ИНГЛИЗ АЁЛ ХАРАКТЕРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.....
.....	513 Усмонова Зарина Ҳабибовна. СТИВЕН КИНГ АСАРЛАРИДАГИ ЗАМОН ВА МАКОН МУАММОСИ
Kakharova Mohigul Yusufovna PSYCHOLOGY OF HEROES IN ENGLISH REALISTIC AND ADVENTURE NOVELS.....	515
.....	518 Исмоилова М.Н. РОЛЬ ЦИТАТЫ В ПОСТМОДЕРНИСТСКОЙ ПОВЕСТИ А.КОРОЛЕВА «ГОЛОВА ГОГОЛЯ».....
.....	522 3 – ШЎЪБА. АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИК, АДАБИЙ ЖАРАЁНЛАР, АДАБИЁТДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ ВА МАЪНАВИЯТ МАСАЛАЛАРИ ... 530 Мехринигор Баходировна Аҳмедова. “МАЪНАВИЯТ” ВА “МАЪРИФАТ” КОНЦЕПТЛАРИНИНГ ЖАДИД АДАБИЁТЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ.....
.....	530 687 Адизова Ободон. АЗИЗ ҚАЮМОВНИНГ БИОГРАФИК ЙЎНАЛИШДАГИ ТАРИХИЙ АСАРЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ
.....	534 Самадов Абдусалом. ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ БАҒРИКЕНГ ВА САДОҚАТЛИ ДЎСТИ.....
.....	537 O.I.Adizova, N.N.Abdullayeva. La locution – un groupe de mots qui jouent
.....	5540 Lola Jalilovna Jalilova, Akhtam O`ktamovich Rajabov. BRIGHT REPRESENTATIVES OF JADISM.....
.....	542 Мухаммедова Хулкар. ВИКТОРИАН РОМАН АДИБАЛАР НАСРИ МИСОЛИДА...545 Umurova Xushvaqt. NEVER ENDING LOVE IN “ROMEO AND JULIET” THAT MAKES SACRIFICES BY WILLIAM SHAKESPEARE
.....	548548 Сафарова Зилола. АСҚАД МУХТОРНИНГ “ДУНЁ БОЛАЛАРИ” АСАРИДА ЕТИМ БОЛА ОБРАЗЛАРИ ТАВСИФИ
.....	55151 Гудзина Виктория. ГЕНДЕРНЫЙ АСПЕКТ ЛИРИКИ АННЫ АХМАТОВОЙ55554 Roza Khabibulleva. THE REFLECTION OF UNIVERSAL ASPECTS IN POEMS DEVOTED TO MOTHERS.....
.....	557 Niyazova Mohichehra, Oromova M.U. THE IMAGE OF MOTHERS IN UZBEK AND ENGLISH LITERATURE
.....	562 Ruzimurodova Zarifa, Bobomurodova Ozoda. DESCRIPTION OF YOUTH PROBLEM IN THE NOVEL “MARTIN EDEN”
.....	566 Muqimova Gulnora. Fitomorflarning struktur xususiyatlari.....
.....	569 Рахимов Мубин, Насиба Бафоева. АБУ АЛИ ИБН СИНО АСАРЛАРИДА ДИДАКТИКА МАСАЛАЛАРИ.....
.....	572 Махмудова Наргиза. ЧАРЛЬЗ ДИККЕНС ИЖОДИНИНГ ИЛК БОСҚИЧЛАРИДАГИ ТАРБИЯ РОМАНЛАРИ ТИПОЛОГИЯСИ
.....	576 Рахимова Умида. ЭНН ЭНРАЙТ ИЖОДИДА АЁЛЛИК ВА ОНАЛИК МАҚОМИ..579 Джумаева Дильноза. ДИСКУРСИВНО-ПРАГМАТИЧЕСКИЙ ОСОБЕННОСТИ

АНТРОПОНИМА..... 583 Козиева Икбол.

**ТИЛ, АДАБИЁТ, ТАРЖИМА, АДАБИЙ
ТАНҚИДЧИЛИК ХАЛҚАРО ИЛМИЙ
ФОРУМИ: ЗАМОНАВИЙ
ЁНДАШУВЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР**
халқаро илмий-амалий анжуман материаллари

ТЎПЛАМИ

2021 йил 26-27 март



Бухоро

АБУ АЛИ ИБН СИНО АСАРЛАРИДА ДИДАКТИКА МАСАЛАЛАРИ

Рахимов Мубин Муродович, БДУ Хорижий тиллар факультети

Насиба Бафоева - Бухоро туман 16 – умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Annotatsiya: Ушбу мақолада таълим – тарбия масалалари, дидактика ва дидактик асарлар мазмун -моҳияти акс этган. Бу борада ўрта асрларда Ўрта Осиё ҳамда Европада бир қатор қарашлар ўз аксини топган бўлиб, фан сифатида эса чех олими Я. А. Коменский томонидан тадқиқ этилган. Гарчи Европада термин сифатида ишлатилган бўлсада, Ўрта Осиё мутафаккирлари асарларида дидактик қарашлар мавжуд бўлган. Жумладан, буюк мутафаккир Абу Али ибн Сино асарларида инсониятни илк кунлариданоқ тарбия бериш лозимлиги ўқитиб ўтилган. Бундан ташқари мақолада Абу Али ибн Синонинг инсон руҳиятини тарбиялаш борасида қарашлари ҳам таҳлил қилинган. Тадқиқот мақсади дидактика термининг илк маротаба Ўрта Осиё мутафаккирлари томонидан тадқиқ этилганлигини кўрсатиб бериш.

Таянч сўзлар: таълим, тарбия, маърифат, дидактика, педагогика, “уржуза”, одоб-ахлоқ.

Кириш. Таълим-тарбия жараёнида “таълим” ҳамда “тарбия”нинг уйғунлиқда олиб бориш мақсадга мувофиқ. Бу масала мамлакатимизда ёш авлодни тараққий 573 эттиришда катта аҳамиятга касб этади. Ҳар иккала соҳани ҳам уйғунлиқда олиб бориш педагоглар учун катта масъулиятни талаб этади.

Шунинг учун ҳам, ўрта асрлар илк ренессанси даврида Ўрта Осиёда мутафаккирларимизнинг мазкур соҳада қарашлари мавжуд. Ҳарбда эса ушбу жараён 17 асрда вужудга кела бошлади. Чех педагоги Я. А. Коменский ўзининг «Буюк дидактика» асари (1657)да болалар ва ўсмирларни маълумотли қилиш ва уларга таълим беришнинг дидактик жиҳатларини ишлаб чиқди. Немис педагоги А. Дистервег ўзининг «Немис ўқитувчиларини маълумотли қилишга раҳбарлик» (1834—35) асарида дидактиканинг педагогикада таълим назариясини баён этувчи алоҳида қисм эканлигини таъкидлаган.

Бу жараён 19 асрнинг охири ва 20 асрнинг бошларида дидактика фан сифатида пайдо бўла бошлади. Бунда асосан фалсафий – назарий қарашлар орқали ёндашилди. Бунга яққол мисол қилиб мамлакатимизда собиқ тузум даврида марксизм-ленинизм дидактиканинг тараққиёт йўналишини белгилаб берувчи методологик асос деб қараб келинганлигини эслатиш kifоя. Аммо йиллар давомида ушбу қарашлар пуч ғоя эканлиги аниқлашиб борди. Кейинги йилларда калом фалсафасига миллий дидактик таълимот сифатида қараб келинмоқда. Чунки бу таълимотда оламнинг яралишидан тортиб инсон камолотида маърифатнинг ўрни кўрсатиб ўтилган.

Метод ва материаллар. Шундай қилиб таълимнинг ажралмас қисми сифатида қараладиган дидактика масалаларининг туб илдизи Ўрта Осиё алломаларининг қарашларига бориб тақалишини илмий жиҳатдан асослаб бериш илм-фаннинг асосий вазифаси ҳисобланади. Дидактика атамасининг турлича таърифлари мавжуд бўлиб, у таълимнинг ажралмас қисми сифатида таърифланади.

Дидактика умумий психология, ўқитиш психологияси ҳамда билиш назарияси билан узвий боғлиқ. Бу фанларнинг ҳар бири боланинг билиш фаолияти ва уни амалга оширилиш жараёни тўғрисида алоҳида билим беради. Таълим мазмуни ва усулларини белгилаш борасида ҳам мазкур алоқадорлик катта аҳамиятга эга. Дидактика ҳар қандай алоҳида предметни ўқитиш ва унинг мазмунини тайин этиш қонуниятларини аниқлайдиган фан сифатида таълим ва маърифат ишларини самарали ташкил этишнинг умумий усулларини белгилаб бериши лозим. Ўзбек миллий педагогикаси тарихида ҳам дидактиканинг асосий хусусиятларини акс эттиришга бағишланган кўпгина тадқиқотлар мавжуд эди. Гарчи буюк мутафаккирларимизнинг илмий қарашларида

“дидактика” номи билан аталмаган бўлсада, лекин улар таълимнинг тарбиявий жиҳатларини белгилаш, қонуниятларини яратишда катта аҳамият касб этади. Форобий, Беруний, Ибн Сино, Аҳмад алФарғоний, Марғиноний, Давоний, Алишер Навоий, Мунис сингари мутафаккирларнинг таълимни уюштириш, унинг самарадорлигини ошириш, ўқитиш жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари борасидаги қарашлари жаҳон пед. тараққиётининг ўзига хос босқичини ташкил этади.

Миллий қадриятларимизнинг ёш авлод онгига сингдиришда азал – азалдан мерос бўлиб келганлиги катта роль ўйнайди. Шу жумладан, ибн Сино ижодидан келиб-чиқиб ҳам шундай фикрлар айтиш мумкин. Чунки Ибн Сино ўз 574 замонасининг тиббиёт, тарих, адабиёт, фалсафа, математика каби фанларини мукамал билган намояндаси эди.

Ибн Синонинг илмий меросини олимлар шартли равишда 4 гуруҳга бўлишади: 1) Фалсафий, 2) Табиий 3) Адабий ва 4) Табиий, аксарият асарлари эса тиббиёт ва фалсафага қаратилган.

Ибн Синонинг бой маънавий меърослари ичида “Донишнома” ва “Уржуза фит-тиб” шеърый жанрдаги асарлари дидактик ёндашувни ўз ичида акс эттирган ноёб дурдоналардир. Мазкур асарларда Абу Али ибн Сино инсон ахлоқи ва унинг шаклланишига оид бир қатор қарашларини илгари суради. Абу Али ибн Синонинг фикрича ахлоқий ҳатти-ҳаракатлар аввало киши иродаси билан боғлиқдир. Шунга кўра, у ахлоқ илмининг ҳам, ҳар қандай бошқа фаннинг ҳам вазифаси нарсалараро сабабий боғланишларни билиш ва буни нарсаларнинг ўзидан топишдан иборатдир, деб қарайди. Бунда у шундай хулоса қиладики, илм ақлга асосланади, ўз ўрнида яхши фазилатларни ёмон фазилатлардан ажратиш ҳам ақлнинг меъзонидир. Балки бундай сифатларнинг сабабларини топишга интилади: яхши ва ёмон хулқларнинг инсонда пайдо бўлишига ташқаридан қандай нарсаларнинг таъсири сабаб бўлади. Бу таъсир салбий ёки ижобий бўлиши мумкин. Салбий таъсир етказувчи нарсаларнинг 6 ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИНИНГ АХБОРОТНОМАСИ 1/2012 сабаблари бартараф этилса, инсонда яхши хулқларни шакллантириш мумкин. Ибн Сино асарларида нафс ва уни тийиш ахлоқий фазилатларнинг энг олий тамойили эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилади. Хулоса қилиб айтганда, Ибн Сино ўз асарларида яхши фазилатлар ва юксак ахлоқий ғояларни тарғиб қилиш орқали инсонларни инсофга, хайрли ва фазилатли ишларни қилишга даъват этган. Мутафаккир ўз асарларида илм ва одоб-ахлоқ уйғунлиги, баркамол авлод камолоти ва бахт-саодат, адолат ва диёнат, инсонларнинг ўзаро дўстлиги, ҳамкорлиги, раҳбарнинг бурчи ва масъулияти тўғрисида ҳам қизиқарли ғояларни илгари сурган. Ибн Сино таълим-тарбия ҳамда одоб – ахлоққа оид бир неча асарлар яратган, жумладан “Рисола фи илм ал-ахлоқ” (—Ахлоққа оид рисола), “Тадбир алманозил” (-Турар жойни бошқариш чоралари), “Рисола фи ал-аҳд” (- Бурч ҳақида рисола), “Рисола фи тазкият ан-нафс” (- Нафсни покиза тутиш тўғрисида рисола), “Сиёсат ал-бадан”, (—Баданни бошқариш), “Китоб ал-ансоф” (—Адолат ҳақида китоб). “Ахлоққа оид рисола” асарида аллома асосан инсон ахлоқ-одоби ҳақида сўз юритиб унда инсоний фазилатларга таъриф беради. Бу борада Абу Али ибн Сино ор-номус, шаън, қадр-қиммат, қаноат, сахийлик, ғайратлилик, сабр-тоқат, ҳалимлик, сирни сақлай билишлик, илм-маърифатли бўлиш, очиқлик, виждонлик, дўстлик, садоқатлилик, камтарлик, сахийлик, адолатлилик каби шахс маънавияти категорияларини таърифлаб ўтади. Ибн Сино фикрича инсон ўзини ғабдан тутта олиши бу унинг олижаноблигидир.

“Бурч рисоласи” Ибн Синонинг ахлоққа бағишланган рисолаларидан яна биридир. Бу асар 1910 йили Мисрда чоп этилган. Унда Ибн Сино, асосан, одам ўзини доимо покиза тутиши кераклиги, инсонлар билан қандай ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИНИНГ АХБОРОТНОМАСИ 1/2012 7 муомала қилиш лозимлиги каби масалаларга тўхталиб ўтади. 575

Абу Али ибн Сино ўзининг “Уюн ал ҳикма” асарида илк маротаба таълим ва ахлоқни чамбарчаст боғлаган ҳолда уларни фан сифатида ўргиниш ғоясини илгари суради. Унинг фикрича мазкур фан кишининг хулқи, феъл-атвори устидан раҳбарлик қила олади. Мазкур фанга баҳо бераркан, аллома уни фақат ўзи учун яшамасдан, балки жамоат ва унинг манфаати учун яшашга

интиладиган одамларни таёрлаб бериши кераклигини уқтиради. Асарда ушбу фанни мукамал эгаллаган инсонларда камтарлик, иродаси кучли, тежамкорлик, меҳнатга муҳаббат, яхши ахлоқий сифатлар ва ҳалоллик доимо устун туради. Жумладан яхши хулқли кишиларда эса энг яхши хислатлар мужассамлашган бўлади.

Таҳлиллар. Ибн Сино ахлоқ тушунчасига тўхталар экан, у инсонда туғилишдан бошлаб ахлоқли ёки ахлоқсиз деган тамойиллар бўлмаслигини таъкидлайди. Инсон ахлоқи алломанинг фикрича, шахсий ва ўзгаларнинг тажрибаси, анъаналар, таълим – тарбия натижасида шаклланади. Ибн Сино фалсафасидаги яна бир йўналиши шуки, у жамият ва инсон муносабатларига нисбатан ўзининг қарашларини билдириб, адолат инсоннинг бахт-саодати, илмнинг инсон ва жамият тараққиётидаги ўрни масалалари ҳақида қимматли фикрларни билдирган. Бола тарбияси ҳақида тўхталиб ўтар экан, Ибн Сино унинг хулқини мўътадилликда сақлашга алоҳида эътибор бериш кераклигини уқтиради. Мазкур ҳолатда аллома икки манфаат борлигини эслатиб, биринчиси, руҳини тарбиялашда кейинчалик малака сифатида хизмат қилса, иккинчиси эса унинг бадани тарбиялашдаги мижозга таъсир қилишини кўрсатиб ўтади.

Буюк мутафаккир Абу Али ибн Сино асарларидаги қарашлар таҳлили натижасида биз ахлоқ, хулқ, феъл-атвор, таълим –тарбия каби терминларни кўплаб учратамиз. Мазкур масалага ёндашар эканмиз, таълимнинг асосий мақсади бўлмиш тарбия ва ахлоқий фазилатларни шакллантирган ҳолда инсонда тажриба ҳамда малака ҳосил қилишдан иборат эканлигини тушуниб етишимиз керак. Дидактика термини остида ҳам айнан ахлоқий фазилатлар орқали инсон таълим – тарбиясини уйғунлаштириш ётади. Демак дидактика - ахлоқшунослик тўғрисидаги фан эканлигига ишонч ҳосил қилинди. Ибн Сино фалсафий қарашларнинг асосида эса айнан ахлоқан етук комил инсон тарбияси ётади.

Хулоса. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, буюк мутафаккир Абу Али ибн Сино инсон руҳиятини асосан унинг гўзал хулқи ҳамда ахлоқи бошқаришини англаган ҳолда аввало баданнинг тарбияси руҳиятнинг тарбияси билан чамбарчаст боғлиқ эканлигини ўз асарларида уқтириб ўтади. Гарчи инсон ҳаёти давомида олган илмлари ва кўникмалари унинг руҳияти билан бир қаторда соғлом бўлиб шаклланиш тажрибаларини шакллантиради. Биз дидактикани Европпа олимлари фан сифатида киритганлигини тан олсакда, аммо дидактик таълимот дастлаб Ўрта Осиё алломалари томонидан илгари сурилганлигини уқтириб ўтмоқчимиз. Зеро ахлоқ ва унинг шакллантириш Шарқда энг асосий омил бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар, Т.: 1996;
2. Ҳошимов К., Нишонова С, Иномова М., Педагогика тарихи, Т., 1996;
3. Ўзбекистан мутафаккирлари таълим-тарбия қақида, Т., 1995; 576
4. Хоразм Маъмун Академиясининг Ахборотномаси 1/2012, X.,2012;
5. Абу Али ибн Сино, Урджуза фит тиб, М., 1980;
6. Абу Али ибн Сино, Донишнома, Сталинабад, 1957.
7. Абу Али ибн Сино, Рисола фи илм ал-ахлоқ, Т., 1968;
8. Абу Али ибн Сино, Рисола фи ал-аҳд, М., 1980;
9. Абу Али ибн Сино, Уюн ал ҳикма, Т., 1978;
10. Абу Али ибн Сино, Тиб қонунлари, Т., 1956—1960;